



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ МЕХНАТ БОЗОРИГА ТАЪСИРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

PhD Миролимов Мирислом Миршокир ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0003-2714-2618

mirislom.mirolimov3138@gmail.com

Розиқова Гулмира Шарифовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-2186-6044

razikova.2024@mail.ru

Аннотация. Аҳолини ишсизлик даражасини камаййтириш, унинг самарали меҳнат фаолияти билан бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун мақсадли ва узоқни кўзлаган ишларни амалга ошириш, бугунги табиатнинг ўзгаришларига ва ресурслар тақчиллигига мослашувчан меҳнат бозорини ташкил этиш ҳамда ҳар қандай шароитга мослашувчан касблар билан бандлигини таъминлаш зарурати туғилмоқда.

Калит сўзлар: ишсизлик, ишсизлик даражаси, самарали меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, яшил иқтисодиёт, ахборот технологиялари.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА РЫНОК ТРУДА ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

PhD Миролимов Мирислом Миршокир ўғли

Ташкентский государственный экономический университет

Розикова Гулмира Шарифовна

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Необходимо снизить уровень безработицы населения, обеспечить его занятость эффективной трудовой деятельностью, осуществить целенаправленную и дальновидную работу по повышению уровня жизни населения, организовать рынок труда, гибкий к изменениям современной природы и нехватки ресурсов, а также обеспечить занятость профессиями, адаптируемыми к любым условиям.

Ключевые слова: безработица, уровень безработицы, эффективный труд, социально-экономическое развитие, зеленая экономика, информационные технологии.

STATISTICAL ANALYSIS OF THE IMPACT OF INFORMATION TECHNOLOGY DEVELOPMENT ON TASHKENT REGIONAL LABOR MARKET

PhD Mirolimov Mirislom Mirshokir ugli

Tashkent State University of Economics

Rozikova Gulmira Sharifovna

Tashkent State University of Economics

Abstract. *There is a need to implement targeted and long-term work to reduce the unemployment rate, ensure effective employment, improve the living standards of the population, organize a labor market that is adaptable to today's changes in nature and resource scarcity, and ensure employment in professions that are adaptable to any conditions.*

Keywords: *unemployment, unemployment rate, effective work, socio-economic development, green economy, information technologies.*

Кириш.

Тошкент вилоятида ҳам ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган ёшларни айниқса улар таркибидаги хотин-қизларни касбга тайёрлаш, оналик даврида ҳам кампьютер технологиялари асосида аниқ вазифаларни бажарган ҳолда уй шароитида даромад олиш имконийаларини йаратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ушбу жараёнларни амалга оширишда аҳоли ва унинг демографик жараёнларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Таъкидлаб ўтишимиз керакки, бугунги кунда Тошкент вилояти аҳолиси таркибида унинг демографик жараёнларида ҳам ўсиш суратлари юқори. Шунинг учун ҳам аҳолини ишсизлик даражасини камайтириш, унинг самарали меҳнат фаолияти билан бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш-даражасини ошириш учун мақсадли ва узоқни кўзлаган ишларни амалга ошириш, бугунги табиатнинг ўзгаришларига ва ресурслар тақчиллигига мослашувчан меҳнат бозорини ташкил этиш учун жойларда аҳолининг соводхонлик даражасини ошириш, экологик маданиятини юксалтириш ҳамда ҳар қандай шароитга мослашувчан касблар билан бандлигини таъминлаш зарурати туғилмоқда. Республикамизда “ахборот технологиялари”ни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли фармонида ҳам ахборот коммуникацион технологияларини ривожлантириш ва аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш (Фармон, 2022) тўғрисида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октябрда “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармонида ҳам Тошкент вилоятини рақамли трансформация қилиш бўйича, Тошкент вилоятида амалга оширилиши лозим бўлган 44 та аниқ вазифалар белгилаб олинган бўлиб, булардан:

- Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнларига буюмлар интернет (ИТ) технологияларидан фойдаланган ҳолда “ақлли дала” аппарат дастурий комплекс тизимларини жорий этиш;
- Пахта-тўқимачилик кластерларининг ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий рақамли технологияларни жорий қилишга кўмаклашиш;
- Қишлоқ хўжалигида механизация хизматлари кўрсатишнинг электрон ҳисобини юритиш ва онлайн мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;
- Мактабларда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенг жорий қилиш;
- Мактаблар ўқитувчиларини “**Бир миллион дастурчи**” лойиҳаси доирасида малакасини ошириш (Фармон, 2020) каби узоқни кўзлаган лойиҳалар бугун Тошкент

вилояти аҳолиси турмуш-тарзида ва ҳаётида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Ушбу стратегияда белгиланган вазифаларни амалга оширишда охириги йилларда Республикамизда бир нечта “Рақамли технологиялар” марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда халқаро давраларда «янги иқтисодиёт» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, инсоният ҳаётида анъанавий иқтисодиётдан фарқли бўлган янги турдаги иқтисодиёт вужудга келмоқда.

Профессор Иминов, (2011) ўзининг “Ахборот технологиялари янги иқтисодиёт таркиб топишининг бош омили сифатида” номли мақоласида шундай фикрларни илгари суради: Олим ва мутахассислар ушбу янги иқтисодиётни виртуал, яъни «қўл билан ушлаб бўлмайдиган», «сезги органларига таъсир этмайдиган» омилар иштирокидаги иқтисодиёт сифатида таърифлашмоқда. Албатта, ушбу омилар сифатида, биринчи навбатда, электроника ва ахборот технологиялари майдонга чиқмоқда, шунинг учун ушбу иқтисодиёт баъзан қисқа ҳолда «инфоиктисодиёт» деб ҳам аталмоқда. Ушбу иқтисодиётни «инноватсиялар – юқори технологиялар – янги иқтисодиёт» кўринишидаги узвий занжирнинг сўнгги бўғини сифатида таърифлаш мумкин, яъни инноватсион тадқиқотлар натижасида яратилган ишланмаларни жорий этиш натижасида юқори технологиялар вужудга келди. Юқори технологиялар эса инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаётида «янги иқтисодиёт» деган янги йўналиш яратилишига олиб келди.

Иқтисодчи олимлар Турсунов ва бошқалар (2023) томонидан нашр этилган “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида Наманган вилоятида кичик тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришга таъсир этувчи омиларни эконометрик баҳолаш” номли мақоласида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодий инқирозига қарши курашиш тизимини ривожлантириш масалалари, қолаверса ахборот технологиялари ривожланиши натижасида кичик бизнес субъектларининг иш фаолиятларида оғир меҳнат талаб этиладиган ишларда самарадорлик кўрсаткичлари ошиши тўғрисида қатор фикр-мулоҳазалар юритилган.

Камалетдиновнинг (2024) фикрича эса “таълим тизимини “умр давомида узлуксиз таълим” контексти ҳамда Саноат 4.0. шароитида трансформатсиялаш статистика соҳасида рақамли компетенцияларни ривожлантириш ҳамда замонавий рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ долзарб билим ва кўникмаларни ривожлантириш зарурати билан чамбарчас боғлиқ”.

Саидмурадовнинг (2022) фикрича, ахборот-технология соҳасидаги жиноятлар ҳам тобора ривожланиб бормоқда, якин келажакда ҳуқуқ нормаларида белгиланган аксар ҳуқуқбузарлик элементлари вертуал жабхага кўчиб ўтиши ҳам мумкин, бу фикр ҳозирда фантастик карашлар эмас, балки жажон виртуал олами, ҳозирда ҳар бир жамиятнинг шу жумладан бизда ҳам ижтимоий муносабатга айланиб бормоқда.

“Ахборот технологиялари асри” дея аталмиш замонамизда бирон-бир соҳа ёки касб эгаси йўқки, фаолиятида илғор ва юқори технологиялардан фойдаланмаса. Корхона ёки завод ишчиси бир неча сониялар ичида автоматлаштирилган ускуна ва мосламалар ёрдамида тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаради, шифокор ҳам айнан замонавий аппаратларда бир зумда касалликка ташхис қўяди, керакли тавсияларини беради... Қисқасини айтганда, бизнинг асримизга келиб, инноватсион технологиясиз ривожланишни тасаввур қилиб бўлмапти (Қарор, 2017), десак хато бўлмаса керак.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда илмий мушоҳада, статистик кузатиш, статистик графиклардан, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, абстракт-мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция усуллари билан, мавзу доирасидаги мамлакатимиз Президентининг қарор ва фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари билан белгиланган вазифаларга ҳамда мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, мавзунини ўрганилганлик даражаси тадқиқ этилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳоли турмуш тарзи, фаровонлиги ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлигига кўмаклашиш, камбағалликни қисқартириш, жойларда самарали меҳнат фаолияти ва меҳнат ресурсларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган бир қанча давлат дастурлари мамлакатимиз меҳнат бозорида ўзининг ижобий таъсирларини кўрсатмоқда. Хусусан асосий демографик жараёнлар - туғилиш, вафот этиш, миграция, аҳолини миллий ва ижтимоий таркиби, меҳнат ресурслари ва уларнинг бандлигида сифат ва миқдор ўзгаришлари, шунингдек, туғилишнинг ва болалар ҳамда оналар ўлимининг камайиши, аҳоли сонини тез суръатларда ўсиши содир бўлмоқда. Шу жумладан амалга оширилаётган чора-тадбирлар Тошкент вилояти демографик жараёнларига ҳамда меҳнат бозорининг асосий иштирокчиларидан бўлган меҳнат ресурсларининг касбий тайёргарликларига ҳар томонлама сифат ва миқдор жихатдан бир қанча ижобий ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Хусусан: республикамизда аҳолини самарали бандлигини оширишда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш орқали ижобий таъсир этиш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

1-жадвал**Тошкент вилояти меҳнат ресурслари таркибининг ўзгариш динамикаси
(минг киши) (stat.uz, n.d.)**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2023 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши	
								(+;-)	(%)
Доимий аҳоли сони	минг киши	2861,2	2898,5	2941,9	2975,9	2992,6	2993,4	132,2	104,62
Меҳнат ресурслари	минг киши	1627,2	1607,3	1614,9	1622,5	1616,3	1643,9	16,7	101,03
Банд бўлган аҳоли сони	минг киши	1227,7	1232,9	1177,2	1246,9	1206,7	1238,6	10,9	100,89
Ишсизлик даражаси	% да	9	8,9	10,5	9,4	8,8	6,8	-2,2	75,6

Тошкент вилояти доимий аҳоли сони 2018-йилда 2861,2 минг кишини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2023-йил 2993,4 минг кишини ташкил этиб 132,3 минг кишига ёки 5,8 % га ўсган, меҳнат ресурслари сони эса 2023-йил 2018-йилга нисбатан 16,7 минг кишига ёки 1,03% га ўсган, банд бўлган аҳоли эса 10,9 минг кишига ёки 0,89 % га камайганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Ишсизлик даражаси эса 2,2 % га ёки 2018-йилга нисбатан 27,4 % камайганлигини кўришимиз мумкин. Банд бўлган аҳоли сонининг камайиши жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2020-йилдан пасайиш кузатилган бўлиб, бу албатта COVID-2019 пандемияси билан боғлиқ, ишсизлик даражасининг ортиши эса Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори кўрсаткичларини

ҳисоблаш тартибида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) стандартларини жорий қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017-йил 22-декабрдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган ўзгаришлар натижасида ишсизлик кўрсаткичларида маълум ўзгаришлар содир бўлган. Меҳнат бозори бўйича ахборотни жамлаш ва гуруҳлаш кейинги таҳлил учун бошланғич материал хизматини ўтайдиган кўрсаткичларнинг маълум тизимига эга бўлиш имконини беради. Бунда ҳам статистика умумий назарияси ишлаб чиқадиган усуллардан фойдаланилади.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси бўйича очилган рақамли технологиялар ўқув
марказлари бўйича маълумот (digital.uz, n.d)**

Т/П	Худуд (вилоятлар) номи	Очилган марказлар сони	Т/П	Худуд номи	Очилган марказлар сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	17	8	Самарқанд вилояти	16
2	Андижон вилояти	16	9	Сирдарё вилояти	11
3	Бухоро вилояти	12	10	Сурхондарё вилояти	15
4	Жиззах вилояти	13	11	Тошкент вилояти	22
5	Қашқадарё вилояти	15	12	Фарғона вилояти	19
6	Навоий вилояти	11	13	Хоразм вилояти	13
7	Наманган вилояти	13	14	Тошкент шаҳри	12
Жами:			205		

2-жадвал маълумотларига асосланиб таъкидлашимиз мумкинки, бугунги кунда Республикаимизнинг барча вилоятларида ахборот технологияларига аълохида этибор берилмоқда. Жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, Республикаимизда жами 205 та “Рақамли технологиялар” марказлари фаолият юритаётган бўлса, шулардан Тошкент вилоятида бугунги кунда 22 та марказ ўз фаолиятларини ютиритаётганини кўришимиз мумкин бўлади. Хар бир марказ аниқ бир соҳавий дастурларга асосланган бўлиб, унда таҳсил олаётган хар бир битирувчи иш билан доимий даромад манбаи билан таъминланиши жуда катта аҳамият касб этади. Қуйидаги жадвал асосида биз 2021-йилдан бугунги кунгача республикаимиз бўйича ушбу марказлар томонидан қанча битирувчилар таҳсил олганлигини кўришимиз мумкин. (3-жадвал)

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида рақамли технологиялар битирувчилари сони 2023-йил 2021-йилга нисбатан 30,1 минг кишига ёки 183,3 % га кўпайган. Ўрганилаётган даврда битирувчилар сони энг юқори бўлган вилоят Тошкент вилояти ҳисобланиб, 2021-йилда 520 киши тамомлаган бўлса, 2023-йил бу кўрсаткич 6290 кишига кўпайган бўлиб, энг паст кўрсаткич Навоий вилоятига тўғри келиб, 223 кишига ёки 14,5 % га камайганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Тошкент вилоятида 22 009 киши аниқ йўналишга ихтисослашган ҳолда, меҳнат бозорига кириб келган. “Рақамли технологиялар” ўқув марказларини 2021-йилга нисбатан қариб 3 баробар кўпроқ ёшлар тамомлагани ушбу марказлар фаолияти аҳоли хаётида аниқ ўзгаришларга сабаб бўлаётганлигидан далолатдир. Айниқса ушбу марказларни битирувчилари орасида хотин-қизларнинг улуши юқори эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

3-жадвал

Рақамли технологиялар ўқув марказлари битирувчилар сони динамикаси (gov.uz, n.d.)

Т/р	Худуд (вилоятлар) номи	2021 йилдаги битирувчилар сони	2022 йилдаги битирувчилар сони	2023 йилдаги битирувчилар сони	2023 йил 2021 йилга нисбатан ўзгариши	
					(+;-)	(%)
1	Қорақалпоғистон Рес.	1 001	2 301	3 826	2 825	382,2
2	Андижон	1 446	3 327	2 228	782	154,1
3	Бухоро	1 692	3 297	2 119	427	125,2
4	Жиззах	1 821	7 381	3 052	1 231	167,6
5	Қашқадарё	1 004	2 622	2 454	1 450	244,4
6	Навоий	1 539	2 714	1 316	-223	85,5
7	Наманган	1 275	7 151	3 004	1 729	235,6
8	Самарқанд	1 588	5 191	6 837	5 249	430,5
9	Сирдарё	1 319	6 923	1 602	283	121,5
10	Сурхондарё	828	2 530	2 642	1 814	319,1
11	Тошкент в.	520	14 679	6 810	6 290	1309,6
12	Фарғона	1 110	3 606	6 571	5 461	592
13	Хоразм	1 041	3 760	3 697	2 656	355,1
14	Тошкент ш.	222	102	326	104	146,8
Жами:		16 406	65 584	46 484	30 078	283,3

Таъкидлаб ўтиш керакки, рақамли технологиялар соҳасида нафақат ишсиз ва ишга жойлаштиришга муҳтож аҳолини, балки давлат ва нодавлат секторларда иш билан банд бўлган аҳолини ҳам малака ошириш курслари сифатида қайта тайёрловга жалб этишни тизимли равишда жорий этиш зарур.

4-жадвал

Рақамли технологиялар ўқув марказлари битирувчилари сони бўйича маълумот

Т/П	Худуд (вилоятлар) номи	2021 йилдаги битирувчилар сони	2021 да битирган аёллар сони	2021 да битирган эркаклар сони	2023 йилдаги битирувчилар сони	2023 да битирган аёллар сони	2023 да битирган эркаклар сони
1	Қорақалпоғистон Рес	2 301	1 226	1 075	3 826	2 463	1 363
2	Андижон	3 327	1 157	2 170	2 228	728	1 500
3	Бухоро	3 297	1 681	1 616	2 119	1 253	866
4	Жиззах	7 381	4 207	3 174	3 052	1 150	1 902
5	Қашқадарё	2 622	1 086	1 536	2 454	981	1 473
6	Навоий	2 714	1 016	1 698	1 316	716	600
7	Наманган	7 151	1 875	5 276	3 004	938	2 066
8	Самарқанд	5 191	2 344	2 847	6 837	2 247	4 590
9	Сирдарё	6 923	2 215	4 708	1 602	897	705
10	Сурхондарё	2 530	1 619	911	2 642	1 414	1 228
11	Тошкент в.	14 679	7 193	7 486	6 810	3 528	3 282
12	Фарғона	3 606	1 097	2 509	6 571	1 559	5 012
13	Хоразм	3 760	1 354	2 406	3 697	1 512	2 185
14	Тошкент ш.	102	15	87	326	55	271
Жами:		65 584	28 085	37 499	46 484	19 441	27 043

Бугунги кунда Республикамиз меҳнат ресурсларининг салмоқли қисми компьютер технологияларидан, замонавий дастурлар билан ишлаш тажрибасига эга эмас. Қуйидаги жадвалда эса давлат ташкилотлари томонидан ушбу курсларда таҳсил олганлар ҳақида маълумот оламиз.

5-жадвал

**Рақамли технологиялар ўқув марказларида малака оширган ва ошираётган
давлат ҳодимлари бўйича маълумот**

Т/П	Худуд (вилоятлар) номи	2021 йилда малака оширган давлат ҳодимлари сони	шу жумладан:		2023 йилда малака оширган давлат ҳодимлари сони	шу жумладан:		20223 йил 2021 йилга нисбатан ўзгариши	
			Эркаклар	Аёллар		Эркаклар	Аёллар	(+:)	(%)
1	Қорақалпоғистон Рес.	954	610	344	2 158	1 352	806	1 204	226,2
2	Андижон	708	498	210	1 166	678	488	458	164,7
3	Бухоро	743	456	287	378	206	172	-365	50,9
4	Жиззах	1 874	1 176	698	941	505	436	-933	50,2
5	Қашқадарё	1 685	1 205	480	786	401	385	-899	46,6
6	Навоий	493	211	282	632	332	300	139	128,2
7	Наманган	2 212	1 406	806	991	506	485	-1 221	44,8
8	Самарқанд	1 242	784	458	3 665	2 202	1 463	2 423	295,1
9	Сирдарё	623	365	258	465	268	197	-158	74,6
10	Сурхондарё	1 608	994	614	1 274	709	565	-334	79,2
11	Тошкент в	1 020	620	400	1 631	898	733	611	159,9
12	Фарғона	1 042	704	338	1 128	709	419	86	108,3
13	Хоразм	1 481	805	676	1 640	899	741	159	110,7
14	Тошкент ш	369	203	166	201	125	76	-168	54,5
Жами:		16 054	10 037	6 017	17 056	9 790	7 266	1 002	106,2

5-жадвал маълумотлари асосида таъкидлашимиз мумкинки, 2021-2023 йиллар мобайнида республикамизда давлат ташкилотлари томонидан 33 110 нафар ҳодим ахборот технологиялари курсларида ўзларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашган. Демак, Тошкент вилоятининг 1 020 нафар давлат ҳодими 2021-йилда курсларда малака оширишган бўлса 1 631 нафари 2023-йилда ушбу курсларни тамомлашган.

6-жадвал

**Рақамли технологиялар ўқув марказларида курслар кесимида
битирувчилар сони (ДХ лари билан бирга)**

Т/П	Худуд (вилоятлар) номи	КС	Фронт	Бек	График Д	Моб Робот	Андроид	Босққа курслар	П ва ИТ, тадбирк орлик
1	Қорақалпоғистон Рес.	4 309	465	2	69	16	30	1 093	568
2	Андижон	2 914	402	29	49	0	0	0	0
3	Бухоро	1 661	395	43	95	3	6	294	237
4	Жиззах	2 317	598	43	97	17	4	917	34
5	Қашқадарё	2 603	340	0	36	27	28	206	0
6	Навоий	1 606	214	36	53	6	0	33	15
7	Наманган	2 823	193	33	90	0	24	832	753
8	Самарқанд	8 360	773	26	117	120	365	741	482
9	Сирдарё	1 716	290	30	6	2	1	22	0
10	Сурхондарё	3 410	404	0	3	0	16	83	0
11	Тошкент	3 816	4 393	36	49	0	9	138	125
12	Фарғона	5 763	577	250	293	133	118	565	1
13	Хоразм	2 870	352	134	71	7	211	1 692	407
14	Тошкент ш.	88	163	50	0	7	25	194	162
Жами:		44 256	9 559	712	1 028	338	837	6 810	2 784

Ўрганилаётган даврларда энг юқори ўсиш кўрсаткичи Самарқанд вилоятига тўғри келиб, 2423 нафарга ёки 195,1% ўсиш кузатилган кейинги ўринларда Тошкент вилоятида 611 нафар ёки 59,9% га ўсиш кузатилганлигини кўришимиз мумкин бўлади, энг паст кўрсаткич эса Наманган вилоятига тўғри келмоқда. Наманган вилоятида 2023-йил 2021-йилга нисбатан 1221 нафарга ёки 44,8 % камайиш кузатилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Ўз навбатида яъна бир савол туғилади, бу курсларда қандай йўналишларда, қайси соҳаларга тегишли программалар ўргатилмоқда ва меҳнат бозорига “Рақамли технологиялар” марказлари битирувчилари ўзларининг қандай меҳнатларини таклиф этмоқда (6-жадвал).

6-жадвалда кўриб турганимиз ахборот технологиялари томонидан жорий қилинган курслар томонидан 2023-йилда асосан 7 та йўналишлар бўйича тайёрлов курслари жорий қилинган бўлиб, ушбу курсларнинг яъна бир асосий ғояси курсларни мувафақиятли тамомлаган ҳар бир битирувчи 100% иш билан таъминланиши учун қулай шароитлар яратилганлигида. Шунинг учун ҳам ушбу марказлар сонини ошириш ва уларда таҳсил олаётган хотин-қизлар улушини кўтариш, вилоят аҳолисининг ишсизлик даражасига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Хулоса ва натижалар

1. Маълумотларни таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўладигани, меҳнат бозори бўйича ахборотни жамлаш ва гуруҳлаш кейинги таҳлил учун бошланғич материал хизматини ўтайдиган кўрсаткичларнинг маълум тизимига эга бўлиш имконини беради. Меҳнат бозори ўз амалий фаолиятида «Статистиканинг умумий назарийаси» ишлаб чиққан усуллардан фойдаланади ва натижаларни таҳлил қилади.

2. 2010-2023-йилларда Тошкент вилояти аҳолиси хар 1000 та меҳнатга лаёқатлиларга меҳнатга лаёқатсиз қишлоқ аҳолининг сонини 49 кишига, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичикларни 54 кишига камайгани ҳолда меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар сони 5 кишига ортган. Авваламбор, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар ва катталар ўртасидаги нисбатдаги кескин тафовутнинг сақланиб келаётганлиги, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қисқа муддатли жараён эмаслигидан далолат беради.

3. 2010-2023-йилларда Тошкент вилояти аҳолиси 406,7 минг кишига кўпайиб, 2023 йил 1 октябр ҳолатига 2992,6 минг кишини ташкил этганлиги вилоят аҳолисининг йиллар давомида бир маромда ўсиб борганлигидан далолат бермоқда. Қолаверса Тошкент вилояти аҳолисининг салмоқли қисимлари нодавлат секторларида меҳнат фаолиятларини олиб бораётганликларини инобатга олган ҳолда Тошкент вилояти ва унинг ҳудудий бирликларида тадбиркорлик ва енгил саноат тармоқларини ривожлантириш меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

4. Минтақа меҳнат бозорида ишсиз ва ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган аҳолини “Ахборот технологиялари” соҳаси томонидан ташкил етилаётган рақамли технологиялар марказларида тадбиркорлик фаолияти бўйича зарурий дастурий-таъминот базаларига ихтисослашган, режалар асосида касбга тайёрлов курсларини ташкил қилиш, қолаверса ушбу курсларда хотин-қизлар улушини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишни тақазо этади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

digital.uz (n.d.) *Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялари вазирлиги расмий сайти.* <https://digital.uz/>

gov.uz (n.d.) *Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.* <https://gov.uz/uz/digital>

stat.uz (n.d.) *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий веб сайти.* <https://stat.uz/uz/>

Иминов. О.К. (2011), "Ахборот технологиялари янги иқтисодиёт таркиб топишининг бош омили сифатида" номли мақоласи "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, сентябрь.

Камалетдинов У.М. (2024) Подходы к трансформации системы обучения в области статистики в контексте непрерывного образования и Индустрии 4.0 (на примере Республики Узбекистан). Вопросы статистики. 2024;31(1):С 107.

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги "Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида" қарори.

Саидмуратов Н.Н. (2022) "Ахборот технология соҳасида ҳуқуқ" номли мақоласи, *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, Scientific Journal Impact Factor Advanced Sciences Index Factor.5,947.*

Турсунов Б.О. ва бошқалар (2023) "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида Наманган вилоятида кичик тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эконометрик баҳолаш" номли мақоласи, 21.12.2023 й.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октябрда "Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сонли фармони.

Фармон (2022) 2022-йил 28-январдаги "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги ПФ-60-сонли фармони.